

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 12 май, № 93 (5513) Шанба

## ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ

***Шу йил 11 май куни Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишда Кенгаш аъзолари, республика олий ўқув юртларининг ректорлари, маънавият ва маърифат масалалари бўйича проректорлар, фан, маданият, санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг раиси Ш. Мирзиёев бошқарди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларнинг маъно-мазмунини жамоатчиликка етказиш, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг самарадорлигини ошириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш борасида қабул қилинган аниқ дастурлар асосида кейинги йилларда катта ишлар қилинаётгани мажлисда алоҳида таъкидланди.

Айниқса, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини, Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” ва “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобларини, “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни ўқиб-ўрганиш бўйича амалга оширилган илмий-маърифий тадбирлар маънавий ҳаётимизни юксалтиришда беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ўзининг ҳар бир чиқишида маънавият соҳасидаги долзарб муаммолар, халқимиз, айниқса, ёш авлодимизнинг қалби ва онгини зарарли таъсир ва хуружлардан ҳимоя қилиш, миллий қадрият ва анъаналаримизни асраш масаласига алоҳида эътибор қаратади.

Жумладан, шу йил 9 май куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб берар экан, Юртбошимиз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, минтақамиз ва жаҳондаги мавжуд вазиятга доир ўта муҳим ғоя ва хулосаларни баён этди. Ана шу фикрларни халқимиз, аввало, ёшларнинг қалби ва онгига сингдириш масалалари Республика Маънавият ва маърифат кенгаши мажлисида атрофлича муҳокама қилиниб, бу борадаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Бўлиб ўтган қизғин фикр алмашувларда ўтганлар хотирасини ўз ёдида сақлаб, эъзозлаб яшаш халқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келгани, мудҳиш ва аёвсиз урушнинг такрорланмаслиги, унинг илдизлари яна униб чиқишининг олдини олиш ҳозирги вақтда энг долзарб муаммо бўлиб қолаётгани, бугунги шиддатли замонда доимо сергак ва ҳушёр бўлиб, бошқаларнинг дардини ўзига яқин олиб яшаш ғоят муҳим аҳамият касб этаётгани, жаҳоннинг турли ҳудудларида фашизм деган офат, афсуски, яна бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавфли иллат тобора тарқалиб бораётгани Президентимиз томонидан ғоят ўткир масала сифатида кун тартибига қўйилганига эътибор қаратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизида турган асосий омил — инсон омили экани, тарихни доҳийлар эмас, балки онгли ва бунёдкор инсон, халқ яратиши, ҳар қайси униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўз ота-боболари анъаналарини давом эттириб, уларнинг хотираси, бебаҳо меросига нисбатан ҳурмат-эҳтиром, ғурур-ифтихор ҳисси билан яшаши, тарихий хотира ва авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусининг узвий боғлиқлиги,

(Давоми 2-бетда).



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

## Оилавий бизнес

### юрт равнақи, жамият ривожи ва турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда

*Оилавий бизнесни рўзғор баракаси, дейишади. Наманган шаҳрининг Озод маҳалласида яшовчи Сулаймоновлар хонадони мисолида бунга яна бир карра амин бўлиш мумкин. Бу ерда қизлар учун тўй либослари, келинлар сарполари, сўзана, дастурхон сингари миллий каштадўзлик маҳсулотлари тайёрланмоқда.*

### Интилиш

— Онамиз бу борада бизга йўл-йўриқ кўрсатади, — дейди “Suzana fashion” хусусий корхонаси раҳбари Ирода Сулаймонова. — У киши болалигимиздан қўлимизга игна тутқазиб, чеварликдан сабоқ берганлар. Бугун опам ва мен, ҳатто, келинимиз ҳам моҳир чевар. Ўтган йилдан бошлаб оилавий бизнесни йўлга қўйдик. Бунда банкдан ажратилган 5 миллион сўмлик имтиёзли кредит қўл келди. Хориждан замонавий дастгоҳлар сотиб олдик. Дастлабки пайтда ойига 800 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаган бўлсак, эндиликда бу кўрсаткич уч баравар ортди.

Дарҳақиқат, “Suzana fashion”да тикилаётган сарполарнинг бозори чаққон. Боиси, бахмал матосидан, замонавий дизайнда тайёрланаётган бу маҳсулотлар юқори сифати ва ҳамёнбоплиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда.

Айтиш жоизки, хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни иш билан таъминлашда тадбиркорликнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида мазкур имкониятдан оқилона фойдаланиб, аёллар бизнесини янада кенгайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу эса ташаббускор, фидойи опа-сингилларимизнинг истиқболли лойиҳалари ижросига қанот бағишламоқда.

Хусусан, Тўрақўрғон туманилик тадбиркор аёл Мавлудахон Сиддиқова атрофига кўплаб ҳамқишлоқларини тўплаб, ўз бизнесларини ташкил этишларига яқиндан кўмаклашмоқда. Унинг тумандаги Тошкент маҳалласида очган “Тўрақўрғон умидли келажак” масъулияти чекланган жамияти кам таъминланган, иш билан банд бўлмаган, шунингдек, ногирон фарзандларни тарбиялаётган аёллар ҳунар ўрганишига ихтисослаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

### Дил сўзи

*Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан давлатимиз раҳбарининг телевидение орқали айтган сўзларини диққат билан тингладик. Президентимиз урушда жасорат кўрсатган, юртимиз тинчлиги ва озодлиги, оиласи, фарзандлари хотиржамлиги учун курашган инсонларга ўз ҳурматини билдирганда, кўксимиз тоғдек кўтарилди, қалбимиз қувончга тўлди.*

## Ёшларга ибрат бўлсак деймиз...

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаб ўтганларидек, орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин халқимизнинг кўксидаги, қалбидаги мудҳиш уруш азоб-уқубатлари, айрилиқ яраси ҳеч қачон унутилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бугун юртимизда уруш қатнашчилари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, улар халқимиз эъзози оғушида умргузаронлик қилишмоқда. Биргина Президентимизнинг 2012 йил 18 апрелда қабул қилинган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони биз, уруш фахрийларига кўрсатилаётган эҳтиром, ғамхўрликнинг яна бир намунасидир. Байрам муносабати билан уйимиздан меҳмон аримайди: фарзандларимиз, маҳалладагилар, кенг жамоатчилик ҳол-аҳволимизни сўраган, ён-атрофдаги мактаб, коллежларга ўқувчилар билан учрашувларга чақиришган...

(Давоми 2-бетда).

## Асрий анъаналар тараннуми

*Гўзал диёримизда санъатни жондилидан севадиган, ижод, янгилик ва яратувчанликка иштиёқи баланд инсонлар, қўли гул устаю ҳунармандлар жуда кўп. Муҳими, бугун уларнинг эркин ижодий муҳитда изланиши, меҳнат қилиши, эзгу орзу-мақсадларини амалга ошириши учун муносиб шарт-шароит ҳамда имтиёзлар яратиб берилмоқда. Мана, беш йилдирки, юртимизда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ташаббуси билан “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали байрамона руҳда, халқ сайли тарзида ўтказиб келинмоқда. Хабарингиз бор, ҳар йили турли тарихий гўшалар мезбонлик қиладиган мазкур йирик ижодий анжуман бу гал Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилди. Истиқлол йилларида яшариб, ўзгача чирой очган Нукус шаҳри ҳамда кўҳна Тупроққалъа мажмуаси икки кун давомида фестивалга ташриф буюрган маданият ва санъат намояндалари, устоз-шогирд ҳунармандлар ҳамда хорижлик меҳмонлар билан гавжум бўлди. Шубҳасиз, фестиваль билан боғлиқ ёрқин таассуротлар барчанинг қалбида узоқ вақтгача сақланиб қолади. Газетамизнинг ушбу сонида ана шу унутилмас лаҳзаларни ўзида акс эттирган туркум мақолалар, дил сўзлари, сурат-лавҳалар билан танишасиз.*



4-бетда

## Молиявий барқарорлик – иқтисодий ривожланиш гарови

*Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ банк тизимини ривожлантиришга, унинг иқтисодиётнинг локомотиви сифатида намоён бўлишига Президентимиз томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, ўтган давр мобайнида давлатимиз раҳбарининг банк-молия соҳасига оид устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган бир қатор Фармон ва қарорлари мазкур тизимни янада ривожлантириш учун ҳуқуқий-ташкилий асос бўлиб хизмат қилди.*

### Ислоҳот

Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 7 январдаги “2011 — 2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотлар масштабини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда тадбиркорлик муҳитини шакллантириш бўйича мезонлар ва баҳолар тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш кўлами ҳамда мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг шаклланиш даражаси, шунингдек, молия-банк соҳаси ривожланиши индикаторларини ҳар чоракда Баҳолаш тизими тасдиқланди.

Қайд этиш лозимки, мазкур индикаторлар асосида банк тизимининг асосий кўрсаткичлари 2011 йилдан буён баҳоланиб, барча кўрсаткичларга ижобий даражаси берилмоқда. Банк тизимида кузатилаётган бу натижалар халқаро стандартлар талабларига жавоб берибгина қолмасдан, балки айрим кўрсаткичлар юзасидан юқори даражага эгадир.

Банк тизимининг барқарорлигини ошириш ва банкларнинг мустаҳкам ресурс базасини шакллантириш мақсадида мамлакатимиз тижорат банклари томонидан 2011 — 2015 йилларда умумий капитал ҳажмини 2,1 баробарга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Кўрилган мақсадли чора-тадбирлар натижасида уларнинг умумий капитали 2011 йилда 30 фоизга ортди.

Жорий йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, банк тизими капиталининг етарлилик даражаси халқаро Базель қўмитасининг 8 фоизлик минимал талабидан 3 баробарга юқори бўлиб, 24,3 фоизни, шунингдек, банк барқарорлигини баҳолаш омилларидан бири ҳисобланган банк тизимининг жорий ликвидлик кўрсаткичи ўрнатилган 30 фоизлик минимал даражага нисбатан 2 баробарга юқори бўлиб, 65,6 фоизни ташкил этди.

Бу кўрсаткичлар қарорда белгиланган Баҳолаш тизимига асосан баҳоланганда ҳам, ижобий натижани бермоқда. Жумладан, “тижорат банкларининг умумий капитали етарлилиги” кўрсаткичи 15 фоиздан, шунингдек, “тижорат банклари ликвидлиги” кўрсаткичи эса 30 фоиздан ошса, “юқори даража” баҳоларига мувофиқ келади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 30 та тижорат банки ва ҳудудларда 9 мингдан зиёд таркибий бўлинмалар, яъни филиаллар, минибанклар ва бошқа турдаги чакана хизмат шохобчалари самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу Ўзбекистон банкларининг аҳоли ва ишлаб чиқариш ҳудудларига кириб бориш даражаси бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турганидан далолатдир.

Баҳолаш тизимига асосан, “банк хизматларининг оммабоплик даражаси” 100 минг катта ёшдаги аҳолига тўғри келадиган тижорат банклари муассасалари сони 30 тадан ҳамда “1000 та катта ёшдаги аҳолига тўғри келадиган омонатчи-жисмоний шахсларнинг сони” 1000 дан ошса, ушбу индикаторлар “юқори даража” баҳосига тўғри келади.

Мазкур банк тизими кўрсаткичлари, жумладан, “банк хизматларининг оммабоплик даражаси” 49,7 бирликни ҳамда “1000 та катта ёшдаги аҳолига тўғри келадиган омонатчи-жисмоний шахсларнинг сони” 1026 бирликни ташкил қилмоқдаки, бу “юқори даража” баҳосига мувофиқдир.

Маълумки, бугунги кунда иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашнинг ресурс манбаларини шакллантиришда асосий эътибор ички имкониятларга, яъни аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк акциялари ва узоқ муддатли депозитларига жалб қилишга қаратилмоқда.

Бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш ва омонатларнинг янги ҳамда жозибадор турларини жорий этиш бўйича тижорат банклари томонидан фаол амалга оширилаётган тадбирлар натижасида банклардаги депозитлар ҳажми йилдан-йилга ўсмоқда. Хусусан, бу кўрсаткич 2012 йил 1 апрель ҳолатига кўра, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 30,5 фоизга ортди.

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Навоий

*“Навоийэлектртармоқлари” очиқ акциядорлик жамиятида 9 миллиард 70,8 миллион сўмлик модернизациялаш тадбирлари амалга оширилди.*

#### Таъминот янада яхшиланади

Пировардида вилоят аҳолисини ҳамда саноат корхоналарини узлуксиз электр энергияси билан таъминлашда қўшимча имкониятлар юзага келди.

— Хусусан, вилоятдаги намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган янги тураржой массивларида 17,5 километрлик электр линияси тортилди, — дейди “Навоийэлектртармоқлари” очиқ акциядорлик жамияти бош муҳандиси Садриддин Раимов. — 14 жамланма паст кучланишли трансформатор станциялари ўрнатилиб, ишга туширилди

Жорий йилда вилоятда мазкур соҳада умумий қиймати 9 миллиард сўмлик лойиҳалар рўёбга чиқарилиши мўлжалланмоқда.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тошкент вилояти

*Пластик чиқиндилар атроф-муҳит ва экологияга жиддий зарар етказиши сир эмас.*

#### Иккиламчи хом ашё асосида

Шу боис бундай иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш ҳозир дунё саноатининг етакчи тармоғига айланмоқда.

Яқинда пойтахт вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида иш бошлаган “Global owell plastik” масъулияти чекланган жамияти ҳам айнан шу йўналишга ихтисослаштирилган. У хорижий шерикларнинг 130 минг АҚШ долларилик сармояси иштирокида ташкил этилди. Илғор технологик линиялар билан жиҳозланган мазкур корхонада пластик чиқиндиларни қайта ишлаш орқали турли халқ истеъмоли моллари, шунингдек, қурилиш ва коммуникация тармоқлари учун мўлжалланган маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Умуман, вилоятда жорий йилнинг дастлабки чорагида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга 6,2 миллион АҚШ долларилик тўғридан-тўғри хорижий сармоя жалб этилди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сурхондарё

*Термиз шаҳридаги “Термиз Мебель Дурадгор” масъулияти чекланган жамиятининг қўли гул усталари томонидан тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилаётган мебель жиҳозларига талаб кун сайин ортмоқда.*

#### Модернизация меваси

— Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта, — дейди корхона раҳбари Ҳамид Боқиев. — Сабаби, цехларимиз тўлиқ хориж технологик линияси билан жиҳозланган. Айни пайтда молия муассасасидан олган 170 миллион сўмлик кредит эвазига фаолиятимизни кенгайтираяпмиз. Бу орқали маҳсулотларимизни қўшни мамлакатларга ҳам чиқариш имкониятига эга бўламиз.

Вилоятда жорий йилнинг дастлабки чорагида 258 та қурилиш ва мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона иш бошлади.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

мамлакатимизда 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши ҳам инсон омилига бўлган эътиборнинг амалий ифодаси экани, биз учун энг катта бойлик бўлган тинчлик-осойишталикни асрашда миллий армиямизнинг роли ва аҳамияти ҳақида давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган кенг қамровли фикрлар мажлисдаги чиқишларнинг асосий мавзуси бўлди.

Энг муҳими, бундай ўткир фикр ва ғоялар бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёшларнинг кўзини очишга, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, Юртбошимизнинг “Ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман” деган сўзлари навқирон авлодимизга бўлган юксак меҳр ва эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси экани алоҳида қайд этилди.

Тадбирда Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори М. Болтабоев, адабиётшунос олим Ш. Ризаев, шоир Қўчқор Норқобил, Тошкент Ислом университети проректори Ш. Акмалов, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М. Қуронов, Ўзбекистон халқ артисти О. Назарбеков, Қорақалпоғистон давлат университети ректори А. Матчанов, “Камолот” ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши раиси О. Маҳкамов, Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси З. Тазетдинова, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Т. Саидов ва бошқалар сўзга чиқиб, муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мажлисда Президентимиз томонидан баён этилган дастурий ғояларни таълим тизимида атрофлича ўрганиш, шу асосда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг алоҳида тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, унинг марказий ва ҳудудий тузилмалари ишини қайта кўриб чиқиб, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## Парламент ҳаёти

*Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини ошириш, хусусан, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш, пировардида ҳар жиҳатдан етук ва баркамол янги авлодни шакллантиришни кўзда тутади.*

# ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

## соғлиқни сақлаш тизими ислоҳотларининг бош мақсадидир

Шу боис юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Бу борада махсус Давлат дастури қабул қилиниб, соҳа истиқболи ва уни изчил равнақ топтиришнинг стратегик йўналишлари аниқ-равшан белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзуидаги халқаро симпозиум тавсияларининг ҳамда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг аҳамияти”га бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида шу каби масалалар хусусида сўз борди.

Қайд этилганидек, мазкур йирик халқаро анжуман мамлакатимизда мустақиллик йиллари тизимда рўй бераётган улкан юксалиш ва янгиланиш жараёнлари, жумладан, оналикни ҳамда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида қўлга киритилган ютуқларимизнинг жаҳоний эътирофи бўлди. Бунинг тасдиғи сифатида юртимизда тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит ташкилий-институционал тузилмаси яратилганлиги, мазкур тузилма бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктларидан бошлаб, аҳолига мураккаб юқори технологик тиббий хизматлар кўрсатадиган ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача соғлиқни сақлашнинг ҳамма даражаларини қамраб олгани, айниқса, бу борадаги миллий модель аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш имконини бергани, мухтасар айтганда, соҳада эришилган натижалар дунёнинг бошқа давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қила олиши симпозиум қатнашчилари томонидан якдиллик билан таъкидланганини айтишнинг ўзи кифоя.

— Мазкур симпозиумда қабул қилинган тавсияларнинг аксарияти “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга тўла мувофиқдир, — дейди халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Сайёра Файзиева. — Хусусан, айни пайтда вилоятимизда мазкур дастур асосида “Соғлом она — соғлом бола” тамойилига мувофиқ, оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича туркум тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда гап кетганда, қишлоқ жойлардаги барча ҳомиладор аёллар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан зарур поливитаминлар билан таъминланаётгани, икки ёшгача бўлган болалар тўлиқ бепул эмланаётгани, улар ўртасида дифтерия, қоқшол, полиомиелит каби касалликларга бутунлай барҳам беришга эришилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Туманимиз вилоятимизнинг марказдан олис ҳудудларидан ҳисобланади, — дейди Пискент тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари Муҳаббат Қодирова. — Шунга қарамай, туманимизда аҳолининг малакали тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланиши учун ҳавас қилса арзигулик шароитлар яратилган. Хусусан, яқинда кўп тармоқли марказий поликлиника капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда қурилиш-ободонлаштириш ишларига 1 миллиард сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланди. Бундан ташқари, ўтган йили 4 та қишлоқ врачлик пунктимиз ҳам мукаммал таъмирдан чиқарилиб, замонавий шароитларга эга бўлди. Буларнинг барчаси соғлиқни сақлаш тизимидаги кўламли ислоҳотларнинг ҳаётий самараларидир.

Муҳокама жараёнида давра суҳбати иштирокчилари халқаро симпозиум тавсияларини ҳамда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидладилар. Уларнинг самарали бажарилишини таъминлаш, кўп жиҳатдан, соғлиқни сақлаш тизими муассасалари, бошқа давлат тузилмалари, тегишли халқаро ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг биргаликдаги изчил ҳамкорлигига боғлиқ эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Муҳокама якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Абадий эҳтиром, мангу қадрият

*“Тарихий хотирасиз келажак йўқ!” Президентимизнинг бу сўзлари бугунги ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида яққол намоён бўлмоқда. Зеро, тарихий адолатни тикламай туриб, буюк келажакни қуриб бўлмайди.*



*Яқин ўтмишимизда истиқлолни орзу қилган, юртимизнинг тонглари оппоқ бўлсин, заҳматкаш халқимизнинг косаси оқарсин, деб яшаган, аммо ана шу эзгу ниятлари учун ноҳақ жабр кўрганлар ёди ҳамиша қалбимизда.*

## 12 май — “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи очилган кун

Шу маънода, Президентимиз раҳнамолигида пойтахтимизда барпо этилган “Шаҳидлар хотираси” хиёбони табаррук ва муаззам масканларимиздан биридир.

Мазкур мажмуа очилганига ўн икки йил бўлди. Бу жуда қисқа фурсат. Бироқ бу йиллар давомида ушбу манзилда асрларга татигулик савоб амаллар бажарилди, эзгу ниятлар айтилди, самимиятга тўла изҳорлар билдирилди. Давлатимиз раҳбари уқтирганидек, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи эл-юрт озодлиги ва эркинлиги йўлида ўз жонини фидо этган сиймолар билан бирга, мустабид тузум даврида қабоҳат туфайли умри хазон бўлган, ноҳақ зулмга учраган оддий инсонлар, мухтасар айтганда, қатағон қурбони бўлган барча ватандошларимиз хотирасини ўзида мужассам этади.

— Бир пайтлар бу ерда ёлғиз юришга одамнинг юраги бетламасди, — дейди Юнусобод туманида яшовчи Мирдавлат ота Мирвалиев. — Бу жойлар болалигимданоқ менга яхши таниш. Онгу тасаввуримизда мудҳиш из қолдирган бу ерлар Алвасти кўприк, деб номланарди. Бунда халқимизнинг кўплаб фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза, ном-нишонсиз кўмиб ташланган. Истиқлолга кўз тегмасин, Президентимизга куллуқ! Қатағон туфайли уй-жойидан, оиласидан, ота-онасидан, фарзандларидан айрилган, боши кулфатдан чиқмай, ном-нишонсиз кетган қанчадан-қанча қурбонлар унутилгани йўқ. Ушбу мажмуада амалга оширилаётган ишлар, зиёратчиларнинг дуо ва эзгу тилаклари туфайли ҳамиша ҳам номи тилга олинавермайдиган, бу ёруғ оламдан бир дунё армон билан ўтиб кетган ана шу оддий одамлар хотираси олдидаги қарздорлик узилмоқда, десак, янглишмаймиз.

Президентимизнинг кўрсатмалари асосида барпо этилган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлиги, “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи бугунги кунда ранг-баранг экспозициялари, нодир архив ҳужжатлари, қисқача айтганда, замонавий таъсирчан воситалари билан ажралиб туради. Улар билан танишганда, беихтиёр дилимизда бугунги тинч, осуда, фаровон ҳаёт учун шукрона зикри уйғонса, тилимизда “Юртимизни ёмон кўзлардан асрагил”, деган калом айланади.

Хиёбон марказида бунёд этилган музейга баланд нақшинкор эшик орқали кирилади. Музей экспонатлари билан танишар эккансиз, тарихий хотира ҳар бир инсон учун нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор ҳис этасиз. Кўпдан-кўп тарихий ҳужжатлар, маълумотлар, суратлар, турли ашёлар мамлакатимизнинг яқин ўтмиши, 130 йил давом этган мустамлакачилик сиёсати ва унинг асоратлари, эрк ва озодлик курашчиларининг жасорати, шу буюк мақсад йўлида қурбон бўлганларнинг фожиали тақдири ва ниҳоят, аждодларимизнинг буюк орзуси саналмиш Истиқлол қуёшининг порлаши, мустақиллик йиллари юртимизда амалга оширилган бекиёс бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилади.

...Инсон дунёга бир марта келади, бир марта яшайди. Ана шу ғанимат умр мобайнида у эъзозланишга, яхши яшашга, эл-юртга нафи тегиб, умргузаронлик қилишга ҳақли. Истиқлол туфайли ана шундай саодатдан баҳрамандмиз. Шукрки, “Инсон қадри улуғ, унинг манфаатлари устувор”, деган эзгу ва буюк тамойил ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Чунончи, Ватан ва халқ бахт-саодати йўлида шаҳид кетган аждодлар хотираси ҳам абадий барҳаётдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

# Оилавий бизнес

## юрт равнақи, жамият ривожи ва турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Оила бекалари бу ерда замонавий усулда пардалар тикиш, пишириқлар тайёрлаш, компьютерда ишлаш, уй ҳамширалиги, аёллар сартароши сингари турли касб сирларини ўрганишаяпти. Жамият ташаббуси ва амалий ёрдами билан жойларда бир қатор маиший хизмат ва сервис шохобчалари ишга туширилиб, 110 нафар оила бекаси ҳамда ёшлар иш билан таъминланди. Ўтган йили корхона раҳбари М. Сиддиқова БМТ Тараққиёт дастурининг 8 миллион сўмлик грантини олиб, европача қуроқ усулида уй-жой ва хонадон ашёлари тикишни ўзлаштирди.

Айтиш керакки, бу сингари ташаббусларни қўллаб-қувватлашда Наманган вилояти “Тадбиркор аёл” уюшмасининг ҳам хизмати катта бўлмоқда.

— Бугунги кунда Наманганда тўрт мингдан зиёд аёл ўз бизнесини йўлга қўйган, — дейди мазкур уюшма раиси вазифасини бажарувчи Лола Абдуҳалимова. — Уларнинг кўпчилигига бошланғич сармоя олиш, иш юритиш, зарур технологик воситалар харид қилиш ва фаолиятини изчил йўлга қўйиш борасида амалий ёрдам кўрсатиб келаяпмиз. Жумладан, ўтган йили 120 нафар хотин-қиз “Фонд Форум”, “Меҳр нури”, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари, “Аёллар кенгаши” жамоат бирлашмаси ҳамда бир қатор тижорат банклари ҳамкорлигида ташкил этилган танловларда қатнашишди. Уч нафар тадбиркор аёл “Меҳр нури”нинг 6,5 миллион сўмлик грантини қўлга киритди.

2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан “Наманган вилояти қишлоқ жойларида хотин-қизларнинг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида оилавий бизнес ҳамда касаначиликни яратиш ва ривожлантириш” лойиҳаси учун грант ажратилди. Шу асосда иш билан банд бўлмаган ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, уй бекаларига бизнес сабоқларини ўргатиш учун “Ўз ишингни бошла” ўқуви ташкил этилди. Натижада мазкур курсда таҳсил олган 37 нафар аёл оилавий бизнес билан шуғуллана бошлади.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижроси Наманганда тадбиркор аёлларнинг бизнес лойиҳалари рўёбига катта йўл очмоқда. Масалан, биргина, “Фермер ва тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш” лойиҳасида қатнашаётган 29 нафар хотин-қизга ўз бизнесини йўлга қўйиши учун тижорат банклари томонидан 835 миллион сўмдан кўпроқ имтиёзли кредитлар ажратилаяпти. Кўплаб жамғармалар ва тадбиркорлик тузилмалари ҳамкорлигидаги бошқа қатор лойиҳалар билан бундай хайрли ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Зеро, оила чароғбони бўлган аёлларимизнинг тадбиркорлиги, ташаббускорлиги ва ижтимоий фаоллиги хонадонлар тотувлиги, фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса энг устувор мақсадимиздир

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Яхшилик — умр мезони

*Истиқлол, энг аввало, инсон қаддини, қадрини сарбаланд қилди. Эзгу ишга эш бўлиб яшаган киши эъзоз топадиган давр келди бугун! Таассуфки, ана шундай дориламон кунларимизни кўриш Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган, ўша машаққатли даврларни бошидан кечирган авлод вакилларидан саноқли инсонларгагина насиб этди. Уларнинг дилидан, тилидан шукроналик тушмайди.*

## Эҳтиром

Қўштепа туманининг Ўқчи қишлоғида яшовчи Холмурод ота Сафаров ҳам уруш заҳматини чеккан. Отахон бугун 96 ёшда. Шунга қарамай, руҳи тетик, қалби навқирон. Гурунгига қулоқ тутсангиз, одамларга яхшилик қилиш, эзгуликка интилиб яшаш лозимлигидан сўз очади. Ёшларни, набираларини шукроналикка, истиқлол неъматларининг қадрига етишга даъват этади. Отахон умрини меҳнат билан ўтказди. Далада ишлади. Ерга ишлов бериш ҳадисини олди. Турмуш ўртоғи Ойшахон ая билан узоқ йиллар тинч-тотув умргузаронлик қилиб, оқил фарзандлар тарбиялади. Ўғиллари Тошмуҳаммад, Нурмуҳаммад, Миродил, қизи Умрчахон оталари сингари элга қайишадиган, одамларга меҳр-оқибатли бўлиб вояга етди.

Бугун Холмурод ота Хотира ва қадрлаш кунини 14 невара, 17 чевараси даврасида қарши олаяпти. Хонадонида байрам кайфияти. Узоқ-яқиндан унинг дуосини олиш, қутлаш учун келаётганларнинг кети узилмайди. Маҳалла-кўй кунда-кунора шу ерда.

Дарвоқе, Холмурод отанинг невараларига тинчлик-осойишталик энг буюк неъмат, дея берган ўгитлари самарасиз кетмади. Ғайратжон бобосининг сўзлари мағзини чақиб, ҳарбийликка меҳр қўйди. Шу касбни танлади. Бугун у юртимиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз осойишталигини сақлашга муносиб ҳисса қўшаяпти.

— Қадр кўрган инсон қаримайди, — дейди отахон. — Юртбошимизга раҳмат. Биз, кексаларга ҳамиша иззат-ҳурмат, меҳр-мурувват кўрсатаяптилар. Туриш-турмушимиз, оиламиз аҳволи, саломатлигимиз ҳамиша эътиборда. Куни кеча Президентимиз Фармони асосида ажратилган пул мукофотини олдик. Саховатпеша инсонларнинг йўқловларини айтмайсизми?! Очиғи, бу каби эҳтиром умримизни янада узайтиришга хизмат қилса, ажаб эмас.



**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ**
**олган сурат.**

# Ёшларга ибрат бўлсак деймиз...

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Урушдан кейин илм-фан билан машғул бўлганим учун бугун юртимизда бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларни катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Мактаб, коллежларда байрам муносабати билан ташкил этилган учрашувларда ўқувчиларга насиҳат қиламиз, фақат ва фақат яхши ўқиб, юрт учун керакли мутахассис бўлишга, она-Ватанни севишга даъват этамиз. Урушнинг аччиқ сабоқлари ҳақида сўзлаб берамиз. Ёшларга ибрат бўлсак, деймиз. Зотан, юртимиз бугун таълим, соғлиқни сақлаш каби ижтимоий соҳаларда шундай катта ютуқларга эришаяптики, уларни халқаро ҳамжамият эътироф этаяпти, ўрганишга чақираяпти.

Юртбошимиз алоҳида қайд этганидек, гарчанд бугун фашизм устидан қозонилган ғалабага 67 йил бўлишига қарамасдан, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало йўқолмаётгани таассуфланарлидир. Буларни сезмаслик, кўрмаслик, бундай хавф-хатарларга бепарво бўлиб яшаш кутилмаган оғир оқибатларга олиб келиши муқаррар. Шунинг учун ҳам фарзандларимизни бугунги тинчлик, осойишталикка шукрона келтириб, уни қадрлашга чорлаймиз, уларни Ватанни севишга, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун бутун саъй-ҳаракатини бағишлашга даъват этамиз. Аслида бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

**Қўчқор ХОНАЗАРОВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси.**

# Молиявий барқарорлик — иқтисодий ривожланиш гарови

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, аҳоли омонатларининг миқдорларидан қатъи назар, давлат томонидан юз фоиз тўланиши юзасидан берилган кафолатлар, мамлакатимизда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди самарали фаолият кўрсатаётгани, омонатлардан олинган даромадлар солиқдан озод қилинганлиги ва уларнинг манбалари декларация қилинмаслиги каби ҳукуматимиз томонидан яратилган имтиёзлар банклар ресурс базасининг кенгайишида муҳим рағбатлантирувчи омил сифатида хизмат қилмоқда.

Ҳозир тижорат банклари томонидан мижозларга 400 дан зиёд омонат турлари таклиф этилмоқда. Уларнинг 100 дан ортиғи хорижий валютада жорий қилинган бўлиб, АҚШ доллари, евро ва Англиянинг фунт стерлинг валюталарида омонатлар жалб қилинаяпти. Мисол учун, жорий йилнинг уч ойи мобайнида банклар томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида омонатлар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробарга ошиши фуқароларимизнинг банк тизимига бўлган ишончидан далолат беради.

Банкларнинг капиталлашув даражаси ҳамда жалб қилинган депозитлари ҳажмининг муттасил ўсиб бораётганлиги, ўз навбатида, банкларнинг кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини кенгайтириб, банк активлари ҳажмининг ошишини таъминламоқда.

Ушбу йўналишларда амалга оширилган ишлар самарасини Баҳолаш тизимида қайд этилган “депозитлар ҳажмининг ўзгариши”, “кредит қўйилмалари ҳажмининг ўзгариши”, “аҳоли омонатлари ҳажмининг ўзгариши” ва “узоқ муддатли кредитлар улуши” индикаторларида ҳам кўриш мумкин. Айтайлик, кредит ташкилотлари кредит қўйилмаларининг ва депозитларининг ўсиш суръати номинал ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатидан ошса, “кредит ташкилотлари кредит қўйилмалари ҳажмининг динамикаси” ва “кредит ташкилотлари депозитлари ҳажмининг динамикаси” индикаторлари “юқори даражада” баҳоланади.

Шу билан бирга, “банклардаги аҳоли омонатлари ҳажмининг динамикаси” индикатори тижорат банкларидаги аҳоли омонатларининг ўсиш суръати аҳоли реал даромадларининг ўсиш суръатидан юқори бўлганда, “узоқ муддатли кредитлаш” индикатори тижорат банкларининг жами кредит портфелидаги узоқ муддатли кредитларнинг улуши 70 фоиздан ошганда, “юқори даражада” баҳоланади.

Жорий йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, тижорат банкларидаги омонатларнинг ўсиш суръати аҳолининг реал даромадлари ўсиш суръатидан ортган ҳолда 30,1 фоизни, депозитлар ва кредит қўйилмалари ҳажмининг ўсиш суръати эса ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатидан ошиб, мос равишда 30,5 фоиз ва 31,7 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, тижорат банкларининг кредит қўйилмалари таркибидаги узоқ муддатли кредитлар улуши эса 82,2 фоизга етдики, ушбу кўрсаткич ҳам “юқори даража” баҳосига мувофиқдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил якунларига бағишланган мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизимини икки ой муддатда ишлаб чиқиш ва шу йил 1 июлдан бошлаб жорий этиш вазифаси белгиланди.

Шулар инобатга олинган ҳолда, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелда “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу ҳужжатга мувофиқ, 2012 йилнинг 1 июлидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизими жорий этилади.

Ўзбекистон банклари етакчи халқаро рейтинг компаниялари билан мунтазам равишда алоқада бўлиб, уларнинг иштирокида амалий семинарлар ўтказиш анъанага айланди. Масалан, “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан банк тизими ва бошқа молиявий муассасалар учун амалий семинарлар ташкил этилиб, улар томонидан халқаро баҳолаш меъёрлари ва услублари ҳамда рейтинг баҳоларининг аҳамияти тўғрисида маърузалар қилинмоқда.

Тижорат банкларини ривожлантириш, молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, капиталлашув даражаси ва ликвидлигини ошириш борасида қилинган ислоҳотлар халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Жаҳоннинг нуфузли “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” халқаро рейтинг агентликларининг ижобий рейтинг баҳосини олган республикамиз банклари сони йил сайин ортиб бораётгани бунинг тасдиғидир.

Аввалги йилларда халқаро рейтинг компанияларининг “барқарор” рейтингини олган тижорат банклари сони 15 тани ташкил қилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 24 тага етиб, банк тизими жами активларидаги салмоғи 98 фоиздан ошиб кетгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Қолаверса, “Мудис” халқаро рейтинг агентлиги, мана, икки йилдирки, Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда “барқарор” рейтинг даражасини бермоқда. “Стандарт энд Пурс” халқаро рейтинг агентлиги эса ўтган йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон банк тизимини ижобий баҳолаб, рейтингини бир поғона юқорига кўтарди.

Хабарингиз бор, Президентимиз томонидан 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, халқаро молия институтлари ва экспертларидан техник ёрдамни жалб этган ҳолда, банк назорати тизимига, хусусан, банкларнинг капиталлашув даражасининг етарлилигига бўлган талабларни кучайтириш бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини татбиқ этиш вазифалари белгиланган эди. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банкининг малакали мутахассислари таклиф қилинди. Ўз навбатида, улар томонидан банк назоратини такомиллаштириш, хусусан, Базель — 2 ва Базель — 3 тамойилларини Ўзбекистон банк тизимига жорий қилиш мақсадида тавсиялар берилди.

Бугунги кунда бу тавсиялар ҳамда Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки техник кўмаги асосида халқаро экспертлар билан ҳамкорликда банк назоратини такомиллаштириш борасида тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Халқаро валюта фондининг жорий йилнинг 26 апрель — 3 май кунлари банк назорати бўйича техник кўмак кўрсатиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрган экспертлар томонидан **“Ўзбекистон банк тизими охирги глобал молиявий инқироз таъсирларига яхши бардош берганлиги, шу билан бирга, Ўзбекистон Ҳукумати банк назоратини янада такомиллаштириш ва банк тизими ишончлилигини мустаҳкамлаш масалаларига жиддий эътибор бераётганлиги”** қайд этилган ҳолда, банк тизимига юқори баҳо берилди.

Халқаро экспертларнинг юксак эътирофлари ва банк тизимида эришилган ижобий натижалар, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз вақтида қабул қилинган Фармон ва қарорлари ижроси юзасидан банк тизимида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасидир, албатта.

Хулоса ўрнида айтганда, республика банк тизими мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш мақсадида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттириш ишига бундан буён ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

TRANS UZBEKISTAN · MACHINERY CENTRAL ASIA · Chemie · plastex · UZCOMAK · Auto Parts · CAIPS · miningworld



CENTRAL ASIAN INDUSTRIAL WEEK

MARKAZIY OSIYO XALQARO SANOAT HAFTALIGI

Фойдали алоқаларингизни имкон қадар кенгайтиринг! **15-17 май 2012** «Ўзэкспомарказ», Тошкент

Сизнинг таклифномангиз қуйидаги сайтда: www.industrialweek.uz • Бизга www.facebook.com/ITEUzbekistan.uz да қўшилинг

ITE Uzbekistan
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-«А».
Тел.: (+998 71) 113 01 80, Факс: (+998 71) 237 22 72, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, Web: www.ite-uzbekistan.uz

ufi Member

Guvohnoma № 3583

572R/


## ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ РЕСПУБЛИКА ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ЭКСПЕРТИЗА ИНСПЕКЦИЯСИ

### ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

**1. Тендер савдолари предмети.**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тиббий-меҳнат экспертиза хизмати тиббий-меҳнат эксперт комиссияларини мебель анжомлари билан жиҳозлаш мақсадида етказиб берувчиларни танлаб олиш.

**2. Тендер қуйидаги лот бўйича ўтказилади.**

Лот — раислар учун 9 дона мебель тўплами (кабинетный набор), 490 дона бир тумбали стол, 1335 дона стул ИЗО, 572 дона яримюмшоқ ёғоч стул, 214 дона китоб шкафи, 108 дона кийим шкафи.

**3. Сотиб олинадиган товарларнинг энг юқори нархи:**
Лот бўйича — 300 000 000 (уч юз миллион) сўм.

**4. Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси (кейинги ўринларда «ишчи орган»).

**Манзил: 100017, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, вазирлик ва идоралар маъмурий биноси.**

**Телефонлар: (8-371) 239-46-99, 932-22-20.**
**Факс: (8-371) 239-88-21, 239-88-22.**
*E-mail:SUmarov@mf.uz*

Тендер савдоларида иштирокчиларга қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинаётган маҳсулотларни етказиб бериш тажрибасига эга, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ҳамда мамлакатимиздаги кичик бизнес корхоналари қатнашиши мумкин.

Тендер бўйича харид қилинадиган асбоб-ускуналар бўйича тўловга оид шартлар ва бошқа масалалар, шунингдек, техник талаблар тендер ҳужжатида кўрсатиб ўтилган.

Маҳсулотларни етказиб бериш етказиб берувчининг ҳисобига дастлабки тўлов тушган вақтдан 50 банк кундан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Тендер таклифлари эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.

***Тендер таклифлари 2012 йил 12 июнь соат 17.00 гача қабул қилинади.***

Тендер таклифлари қуйидаги манзилда очилади: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, вазирлик ва идоралар маъмурий биноси.

Закалат суммаси ҳар бир Лот бўйича белгиланган энг юқори нархнинг 3 фоизи миқдорини ташкил этади.

Тендер ҳужжатларининг нархи — 300 минг сўм. Тендер ҳужжатларини олиш учун юқоридаги манзилга мурожаат қилиниши лозим.

787A542

## ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ

**500 дона шахсий компьютерни (донаси 1,56 млн. сўмдан) 40 банк иш кунида Тошкент шаҳридаги кўрсатилган манзилга етказиб бериш бўйича тендер савдолари ўтказади.**

1. Тендер таклифлари эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 календарь кун (охирги куни соат 18.00 гача) давомида қабул қилинади ва тендер таклифларининг малакали танлови сўнгги қабул кунида амалга оширилади.
2. Тендер ҳужжатларининг нархи 300 минг сўм, закалат суммаси эса тендерга тақдим этилган таклифнинг 4 фоизи миқдорида белгиланади.
3. Шахсий компьютерлар харид қилишнинг тўлов шартлари ва уларга қўйилган техник талаблар тендер ҳужжатларида кўрсатилган.
4. Тендер савдоларида бевосита ишлаб чиқарувчилар ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, етказиб берувчи ташкилотлар қатнашиши мумкин.

Тендер ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзил бўйича ишчи органга мурожаат қилиш мумкин:

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати, 100008, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.**
**Телефонлар: (+99871) 239-11-23, 239-47-49. Тел./факс: (+99871) 239-10-46.**
**E-mail: pension_uz@mail.ru, ShMansurov@mf.uz**

789R/584

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

### очиқ аукцион савдосига таклиф қилади!

**«Capital Realtor Group» МЧЖда объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига:**

**I. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан такроран қўйилган:**

**1.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 1-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 255 151 000 сўм.***

**2.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 2-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 253 586 000 сўм.***

**3.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 3-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 259 715 000 сўм.***

**4.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 4-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 258 122 000 сўм.***

**5.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 5-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 259 273 000 сўм.***

**6.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 6-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 258 122 000 сўм.***

**7.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 7-хонада жойлашган, умумий майдони 241,81 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 5-қаватидаги 6 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 527 113 000 сўм.***

**8.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 8-хонада жойлашган, умумий майдони 239,4 кв.м. бўлган 6/5-6/7 уй-жой.
***Бошланғич нархи — 521 859 000 сўм.***

**9.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 9-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 258 122 000 сўм.***

**10.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 10-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 259 150 000 сўм.***

**11.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 11-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 258 122 000 сўм.***

**12.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 12-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 259 273 000 сўм.***

**13.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 13-хонада жойлашган, умумий майдони 118,24 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 257 747 000 сўм.***

**14.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 14-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 259 715 000 сўм.***

**15.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўйлиқ-5 мавзеси, 15-уй, 159-хонадонда жойлашган, умумий майдони 41,73 кв.м., яшаш майдони 22,55 кв.м. бўлган 9 қаватли уйнинг 9-қаватидаги 1 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 17 661 000 сўм.***

*Ушбу кўчмас мулкларнинг аукцион савдоси 2012 йил 30 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

**II. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан қўйилган:**

**1.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 10 августдаги 1-273/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 38-уй, 11-хонадонда жойлашган, умумий майдони 255,18 кв.м., яшаш майдони 140,66 кв.м. бўлган 7 қаватли уйнинг 7-қаватидаги 4 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 491 700 000 сўм.***

**2.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 10 августдаги 1-273/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 38-уй, 12-хонадонда жойлашган, умумий майдони 224,55 кв.м., яшаш майдони 140,66 кв.м. бўлган 7 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 4 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 490 324 000 сўм.***

*Ушбу кўчмас мулкларнинг аукцион савдоси 2012 йил 19 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

**III. Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган:**

**1.** ФИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2010 йил 6 декабрдаги 1-5863/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, П. Ржевский кўчаси, 3-уй, 22-хонадонда жойлашган, умумий майдони 84,39 кв.м. бўлган 9 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 52 000 000 сўм.***

*Ушбу кўчмас мулкнинг аукцион савдоси 2012 йил 19 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

***Талабгорлар диққатига!*** 2012 йил 19 июнь куни ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаган кўчмас мулкларнинг такрорий очиқ аукцион савдоси жорий йилнинг 4 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Телефон: (8-371) 250-19-24.**

788R/1192

*Лицензия RR-0017.*

### Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

## «Жиззах ҳақиқати» – «Джизакская правда» газеталари таҳририяти

### қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

### «Жиззах шаҳридаги «Матбуот уйи» биносини капитал таъмирлаш».

**Объектнинг бошланғич қиймати:**
— ҚҚСсиз — 397,427 млн. сўм;
— ҚҚС билан — 476,912 млн. сўм.
**Ишларни туғаллаш муддати** — 2012 йил 1 октябрь.
Ишларни молиялаштириш буюртмачининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
**Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Сайилжойи кўчаси, 4-уй.**
**Телефон: (8-372) 226-40-65.**

***Диққат!*** Бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Турар ва нотурар биноларни капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 фоизни ташкил қилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

**Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов шоҳкўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел./факс: (8-372) 226-14-66.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 минг сўм.***

***Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.***
***Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.***

**Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов шоҳкўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар зали.**

785R/591

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

### очиқ аукцион савдосига таклиф қилади!

«Capital Realtor Group» МЧЖ Қашқадарё филиалида 2012 йил 29 май куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2010 йил 20 апрелдаги 2-040-10-сонли ижро варақасига асосан, Қарши шаҳар СИБ томонидан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Бошланғич баҳоси 393 587 829 сўм бўлган, Қарши шаҳри, Қизил мачит кўчасида жойлашган бир қаватли маъмурий бино ва омборхона биноси.
2. Бошланғич баҳоси 89 039 331 сўм бўлган, Қарши шаҳри, Қиличбек қўрғончаси, Маърифатчилар кўчаси, 16-уйда жойлашган тураржой биноси.
3. Бошланғич баҳоси 3 282 881 643 сўм бўлган, Қарши шаҳри, Ғ. Ғулом маҳалласи, Ғузор кўчасида жойлашган савдо базаси.
4. Бошланғич баҳоси 63 024 966 сўм бўлган, Қарши шаҳри, Чақар маҳалласи, М. Ҳасанова кўчаси, 30-уйда жойлашган тураржой биноси.
5. Бошланғич баҳоси 135 753 651 сўм бўлган, Қарши шаҳри, Ҳарамжуй кўчаси, 12-уйда жойлашган тураржой биноси.
6. Бошланғич баҳоси 121 743 000 сўм бўлган, Қарши шаҳри, Қиличбек қўрғончаси, Маърифатчилар кўчаси, 16-«А» уйда жойлашган тураржой биноси.
7. Бошланғич баҳоси 100 820 700 сўм бўлган, Қарши шаҳри, Ҳарамжуй кўчаси 3-қатор, 14-уйда жойлашган тураржой биноси.
8. Бошланғич баҳоси 802 293 660 сўм бўлган, Қарши шаҳри, Шибаев кўчаси, (Мадина) мебель цехида жойлашган «Гунгон» савдо дўкони.

Мазкур мулклар билан харидорлар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар бўйича аризаларни қабул қилиш савдодан 1 (бир) кун олдин, яъни 2012 йил 28 май куни соат 18.00 да тўхтатилади. Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан мулкни сотиб олиш учун ариза, закалат пули тўғрисидаги келишув битими ва закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг асл нусхаси, жисмоний шахслар фуқаролик паспорти нусхаси, юридик шахслар эса давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси ва корхона устави, агар савдода ишончли вакил иштирок этса, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома тақдим қилишлари шарт.

**Манзил: Қарши шаҳри, И. Мўминов кўчаси, «Наргиза маиший хизмат уйи». Мўлжал — Қарши темир йўл шоҳбекати. Тел./факс: (8-375) 227-20-28.**

784R/1192

*Лицензия RR-0017.*


GidroSpetsKrovlya

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ

наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:

ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ собственного производства на стеклотканой основе.

Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.

Тел.: 443-58-30, 103-00-86, 228-20-70, факс 248-69-00.

16R/1299






Р. Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи



(мактаб синфларига) 2012/2013 ўқув йилига 1 ва 5-синфларга

ўқувчилар қабул қилишини эълон қилади.

*Ҳужжатлар 2012 йил 21 майдан 8 июнь соат 15.00 га қадар қабул қилинади.*

**Маслаҳат кунлари — 26 майдан 8 июнгача.**

**Қабул имтиҳонлари 9 ва 10 июнь кунлари бўлиб ўтади.**

**Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор тумани, Зиё к., 4-уй. Телефон: (8-371) 246-03-24.**
**Транспорт: 28, 76, 131, 87, 34-автобусларнинг «Талабалар шаҳарчаси» бекати.**

786R/487


"Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банки бошқаруви, касаба уюшмаси ва жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати Қобилжон Тошматовга падари бузруквори **ФАТТАҲ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Бадиий ижодкорлар уюшмаси жамоалари академик, ҳайкалтарош Жолдасбек Куттимуратовга рафиқаси **Шойингул АМЕТОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

# Асрий анъаналар таранnуми

Asrlar sadosi

**Факт ва рақамлар**

● *“Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали илк маротаба 2008 йилда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида ўтказилган эди. 2009 йилда эса мазкур ижодий анжуман Тошкент вилоятининг Оққўрғон ва Бўстонлиқ туманларида бўлиб ўтди. Шунингдек, фестивалга Хива шаҳридаги Ичан-Қалъа тарихий ёдгорлиги (2010 йил) ва қадимий Бухоро шаҳри (2011 йил) ҳам мезбонлик қилди.*

● ***2009 йилдан эътиборан, “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали ЮНЕСКО ташкилоти ҳамкорлигида ўтказиб келинмоқда.***

● *Ўтган йиллар мобайнида мазкур фестивалда 10 минг нафарга яқин хорижлик меҳмонлар иштирок этди.*

● ***Фестиваль илк бор ўтказилган йили бухоролик каштачи — Зулайҳо Каримова тадбирнинг бош совринига сазовор бўлди. Шундан сўнг кўп ўтмай, ҳунарманд “Фонд Форум” кўмаги билан Шотландияда сўзаналар кўргазмасини ташкил этиб, хорижлик санъат ихлосмандлари учун маҳорат машғулотларини ўтказди.***

● *Илк бор фестивалда 5 минг киши иштирок этган бўлса, бу йилги тадбирда қатнашганлар 50 минг нафардан зиёдни ташкил қилди.*

● ***2011 йилги “Асрлар садоси” фестивали доирасида Бухородаги Мағоқи-Атторий масжиди ва Тоқи Телпак Фурушон гумбази ўртасида археологик қазилма ишлари олиб борилди. Ва бу ердан олимлар ёши минг йилга яқин ноёб мажмуа — қадимий ҳаммом қолдиқларини топишга муваффақ бўлдилар.***

## Эътироф

**Графиня Марта МАРЗОТТО, дизайнер (Италия):**

— Бундан кўп йиллар муқаддам санъаткор дўстларимдан бири менга Бухородан совғалар олиб борган эди. Ўшанда қўл меҳнати билан ишланган миллий ҳунармандчилик буюмлари ва камалакранг ипак матоларни кўриб, ҳайратимни яшира олмагандим. Шу-шу Ўзбекистон деган мамлакат, унинг ўтмиши, маданияти, санъати, одамларининг турмуш тарзи, миллий қадрият ва анъаналарига қизиқиб қолдим. Ниҳоят, бугун “Асрлар садоси” фестивали сабаб, бу гўзал диёрни ўз кўзларим билан кўриш насиб этди. Бир олам таассурот олдим. Гувоҳи бўлганларим мен учун ажойиб ижодий илҳом, беқиёс маънавий-руҳий озуқа берди.

## «Шарқона гўзаллик мафтунимиз»

**Жан-Пьер ПАРТУШ, “Fashion TV” вице-президенти (Франция):**

— Тарихий Тупроққалъада янграган майин мусиқа садолари юрагим хазинасидан жой олди. Шуни тан олишим керакки, фестиваль туфайли миллий санъатингизнинг чинакам мухлисига айландим. Бу юртда юксак истеъдод ва маҳоратга эга созандалар, қўшиқчию раққослар кўп экан. Қолаверса, уста-ҳунармандлар ижоди, ёш дизайнерлар эришаётган ютуқлар ҳам эътирофга арзигулик. Менингча, “Асрлар садоси” фестивали халқаро миқёсда катта обрў ва нуфузга эга бўлиб бораётганлигининг боиси ҳам шундан: ушбу тадбир миллий ҳамда замонавий санъатни уйғунлаштирган ёрқин ва ўзига хос бир лойиҳадир.

**Биргит ДАЛБАЕВА, санъатшунос (Германия):**

— Ўзбекистонга илк бор келишим. Юртингиз билан танишувим “Асрлар садоси” фестивалидан бошланди. Табиатан унча-мунча воқеликдан таъсирланавермасам-да, бу ерда кўрганларим мени ниҳоятда ҳайратлантирди. Зеро, юртингизда аждодлардан мерос анъаналар, бебаҳо миллий қадриятлар боқийликка юз тутганлигидан ибрат олса, арзийди. Бундай деяётганимга сабаб, ўзим ҳам санъатни ниҳоятда қадрлайман, уни ҳаётим мазмуни, деб биламан. Бир неча йилдирки, Дрезден шаҳрида расмлар галереяси билан шуғулланмоқдаман. Мамлакатингизга маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, янги ижодий ҳамкорлар орттириш учун ташриф буюрдим. Фестивалда қатнашиб, амин бўлдимки, санъат халқларни бир-бирига янада яқинлаштирар, ҳаётимизни янгича мазмун-моҳият билан бойитар экан. Ишончим комил, юртингизга яна кўп бор келаман ва мана шундай гўзал, ёрқин, бетакрор санъат анжуманларида бажонидил иштирок этаман!



## Таассурот

*Кўҳна Тупроққалъа ёдгорлик мажмуасида бўлиб ўтган ранг-баранг тадбирлар ҳаяжонли лаҳзаларга бой кечди. Ошпазлар танловидан тортиб, миллий кураш, кўпкари-улоқ ўйинларию халқ бадиий жамоалари ижросидаги ўлан ва лапарлар — буларнинг ҳар биридан олам-олам завқ олади, киши.*

## Тупроққалъа илҳомлари

Биз ҳам жамоамиз билан анъанавий маданият фестивалида қатнашиб, унутилмас таассуротлар билан қайтдик. Аслида мазкур нуфузли санъат анжуманига “Тўрғай” фольклор-этнографик ансамблимиз таклиф этилганлигининг ўзиёқ бизни бениҳоя қувонтирди. Негаки, бу фестивалда илк бор иштирок этишимиз эди. Нуфузли санъат анжуманида сўнгги йиллардаги ижодий изланишларимизни нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик санъат ихлосмандларига ҳам намойиш қилиш имкониятига эга бўлдик. Шу билан бирга, кўплаб бадиий дасталар, фольклор жамоалар ижодкорлари билан яқиндан танишдик.

Шу ўринда жамоамиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Айни пайтда “Тўрғай” жамоасида 40 нафар санъаткор ижод қилмоқда. Улар, асосан, ёшлар — мактаб ва коллеж ўқувчилари бўлганлиги боис жамоамизда изланувчанлик, янгиликка интилиш кўзга яққол ташланади. Қисқа вақт ичида бадиий дастамизнинг бир қишлоқдаги довруғи бутун мамлакатимиз бўйлаб тарала бошлади. Қатор танлов ва фестивалларда иштирок этиб, совриндор бўлдик. Айниқса, “Барҳаёт анъаналар” кўрик-танлови биз учун ижодий парвоз майдони бўлди. Бундан етти йил муқаддам эса республика фольклор дасталарининг “Ўлан айтгали келдик” деб номланган анъанавий кўрик-танловида мутлақ ғолиб, деб топилиб, олий совринни қўлга киритдик. Бу бизга Пекин шаҳрида ўтказилган фольклор ансамбллар халқаро фестивалида қатнашиш имконини берди. Ўшанда жаҳоннинг 47 давлатидан келган юздан зиёд жамоалар орасида бизнинг ансамблимиз тайёрлаган композиция “Энг яхши миллий ва қадимий удум” номинациясида ғолиб бўлди.

Куни кеча “Асрлар садоси” фестивалида халқимизга хос яна бир қадимий анъана — “Бўтасалом” удуми асосида тайёрланган янги дастуримизни томошабинлар эътиборига ҳавола қилдик. Унинг асосий мазмун-моҳияти қуйидагича: мардлик, жасурлик, меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат каби эзгу инсоний фазилатлар ҳеч қачон, ҳеч бир замонда ўз қадр-қимматини йўқотмайди. Зеро, буларнинг бари бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Нокамтарлик бўлмасин-у, дастур орқали дилимиздаги мақсадга эриша олдик, деб ўйлаймиз. Негаки, чиқишимизни томоша қилган каттаю кичик юртдошларимиз, кўплаб хорижлик меҳмонларнинг миллий анъана ва қадриятларимизга бўлган юксак эҳтироми, ҳурмати, қизиқиши шу куни яққол сезилди. Айниқса, кўҳна Сурхон ва Самарқанд заминидан ташриф буюрган халқ бадиий жамоаларидаги нуроний отахону онахонлар дастуримизнинг якуний қисмини ҳеч қандай тайёргарликсиз, ўта табиий ва самимий руҳда биз билан баб-баравар ижро этишга киришиб кетишгани бизни лол қолдирди.

Очиғи, яқин орада бундай самимий, одамларга бир олам завқ ва кўтаринкилик улашадиган гўзал анжуманга гувоҳ бўлмаган эдик. Мухтасар айтганда, “Асрлар садоси” маданият фестивали сабаб, халқимизга хос миллий удумларимиз ҳамиша барҳаёт, қадриятларимиз боқий эканлиги яна бир бор ўзининг ҳаётий тасдиғини топди.

**Алишер ҚУРБОНОВ,**
**Оққўрғон туманидаги “Тўрғай” фольклор-этнографик ансамбли бадиий раҳбари.**

## Илк ютуғимдан фахрланаман

*Мода ва дизайн санъатига қизиқишим ниҳоятда баланд. Шунинг учун ҳам анъанавий маданият фестивали доирасида ўтказилиши режалаштирилган Миллий либослар намойишида иштирок этишга астойдил интилдим.*

### Изланиш



Фестивалнинг дастлабки кунида ижодий тўпламим — бухороча услубда тикилган “Оқшом либослари” кўпчилик мода ихлосмандларига маъқул бўлди. Ўзида тарихий анъаналар, миллий ва замонавий услуб уйғунлигини акс эттирган либосларим кўпчиликнинг эътиборини тортган бўлса ажабмас. Рости, бундан фахрландим. Чунки шундай нуфузли тадбирда илк бор иштирок этиб, жаҳонга таниқли модельер-дизайнерларнинг назарига тушиш мен учун жуда ҳам қувончлидир.

Либосларни фақат қўл меҳнати билан яратганман. Уларнинг ҳар бирида зардўзлик, каштачилик анъаналарига хос нақшлар акс эттирилган. Айтишим керакки, ўзига хос фалсафий маънони ифода этган бу каби услублар бошқа дизайнерларнинг тўпламларида ҳам мужассам. Шу боис Миллий либослар намойишида иштирок этган биз, ёш ижодкорлар бир-биримиз билан ўзаро тажриба алмашиб, услубий янгиликлар, замонавий мода талаблари хусусида фикрлашиб олдик. Албатта, мазкур ижодий мунозаралардан ҳар биримиз ўзимиз учун тегишли хулосаларни чиқардик. Масалан, мен бугунги кунда аёллар либосларини яратиш билангина чекланиб қолмасдан, эркаклар кийим ва аксессуарларига ҳам эътибор қаратган ҳолда изланиш олиб боришимиз керак экан деган тўхтамга келдим. Негаки, мода санъати ҳамиша замон билан ҳамнафас яшайди. Аёнки, янгилик ва топилмалар ҳам шунга яраша бўлиши лозим. Назаримда, ушбу мезон асосида изланcак, ишимизга янада юқори баҳо берилиши аниқ. Ўзимнинг ҳам асосий мақсадим — келгусида мана шундай йирик лойиҳаларда фаол қатнашиб, иқтидоримни янада кенг миқёсда намоён этишдир.

**Дилнавоз АБДИЕВА,**
**Республика рассомлик коллежи ўқувчиси, «Асрлар садоси — 2012» анъанавий маданият фестивали лауреати.**

## Устанинг ушалган орзуси

*Уста Азатбай Ўтарбаев — миллий мусиқа асбоблари ясаш билан шуғулланиб келаётган сулоланинг бешинчи авлоди. У ўттиз йиллик фаолияти асносида йигирмадан зиёд қадимий чолғу асбобларини тиклашга муваффақ бўлди.*

### Миннатдорлик

— Замонавий шарт-шароитларга эга, кенг, ёруғ, шинам бир устахонам бўлса эди, дея орзу қилганман ҳамиша, — дейди уста. — Фестиваль арафасида дилимдаги орзуим ушалди. Тадбирга тайёргарлик жараёнида ташкилотчилар ташаббуси билан кўриб турганингиз, мана шу муҳташам бино бунёд этилиб, ихтиёримизга берилди. Ҳозир бу ерда ҳунар ўрганишга иштиёқманд ёшлар маҳорат сабоқларини олишаяпти. Келгусида уларнинг ўзлари ҳам шогирд тарбиялаб, аждодлар меросини асрабавайлашдек эзгу юмушга ҳисса қўшадилар, деган умиддаман.

Дарҳақиқат, бугун икки бўлимдан иборат мазкур устахонада иш қизғин кетмоқда. Биз борганимизда шогирдлар уста бошчилигида дутор ясашаётган экан.

— Олис Шуманай туманидан келиб, Азат оғага шогирд тушдим, — дейди ўзини Назарбай Қадримбетов деб таништирган йигит. — Авваллари дурадгорлик қилганим учун чолғу ясашга қўлим келишаяпти. Шу пайтга қадар мусиқа асбобларини кичик шаклда — совғабоп буюм тарзида ясар эдим. Аммо ҳақиқий созни ясаш осон эмаслигини, бунинг учун билим, сабр-тоқат ва ҳафсала кераклигини энди англаяпман.

Азат оғанинг шогирдлари “Уста чолғуни фақат ясашнигина эмас, балки унда куй ижро этишни ҳам билиши керак”, деган ақидага амал қилишади. Зеро, бу мусиқа асбобининг сифатини аниқлашда, буюртма мижознинг кўнглидагидек чиқишида муҳим аҳамиятга эга.

...Устахонада чолғулар маҳаллий хом ашёдан ясалади. Лой, қамиш, оқтерак, темир — буларнинг бари моҳир қўлларда мўъжизавий созга айланишини айтмайсизми?! Азатбай уста шу пайтга қадар ғортиқ, ҳуштак, буломон, қўбиз, чанқовуз сингари мусиқа асбобларининг 5 мингдан зиёдини ясаб, таъмирлаган. Яна у ана шу созларнинг барини чала олади ҳам. Муҳими, уста ушбу ҳунари туфайли оилавий бизнесни йўлга қўйди. Юртимизда ўтказилган “Ташаббус”, “Базар-арт” сингари танлов ва кўргазма-ярмаркаларда иштирок этиб, фахрли ўринларга муносиб деб топилди. Бундан тўрт йил муқаддам эса ҳунарманд Президентимиз Фармонига кўра, “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

— Дилга туккан орзу-режаларим кўп, — дейди Азатбай оға. — Камтарона меҳнатларим шунчалар қадрланиб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётганлиги, эмин-эркинликда меҳнат қилишим учун қулай имтиёз ва шарт-шароитлар яратиб берилаётгани боис ҳам касбимдан завқланиб ижод қилаяпман, изланаяпман, ютуқларга эришаяпман. Бу ижодкор учун тенгсиз бахтдир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Чавандозлар ифтихори

*Халқимизда “Эр йигитнинг бир муроди от бўлар”, деган пурмаъно ҳикмат бор. Фахрлансак арзийдики, асрий анъаналаримизга хос чавандозлик, улоқ-кўпкари мусобақалари авлоддан-авлодга ўтиб, янада сайқал топиб келмоқда. Зеро, элимизда кўплаб байрам, тўю тантана чавандозлар беллашувисиз ўтмайди.*

### Ғурур

Шу боис анъанавий маданият фестивалига бу йил Қорақалпоғистон Республикаси мезбонлик қилганидан биз, чавандозлар бениҳоя қувондик.

Фестивалнинг отлар кўргазмасида Марказий Осиё халқлари ифтихори бўлмиш ахалтекин тулпорларининг келишган қомати, енгил ва оҳиста ҳаракатларини кўриб, дилимиз яйради. Кўпчиликка маълум, беш минг йилдирки, ушбу отлар бошқа зотдор уловлар билан чатишмай, ўзининг тоза наслини сақлаб келмоқда. Қувонарлиси, бу галги улоқкўпкарида 150 нафардан зиёд чавандоз иштирок этди. Бир-биримиз билан яқиндан танишиб, қадрдонлашиб, дилдан суҳбат қурдик. Ўнлаб ёш иқтидорли чавандозларни кашф этдик. Ҳамишагидек бу гал ҳам учқур тулпоримиз бизга ғурур бағишлади. Алпқомат йигитларимиз фестивалга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларнинг ҳавасини келтириб, завқ-шавқ билан беллашдилар. Ушбу мусобақаларда қатнашган ҳар бир чавандоз дилда ифтихор ҳиссини туйганлиги, шубҳасиз.

**Зарападдин ЗАИТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси от спорти федерацияси президенти.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 91 284 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.50 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5